Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 2 (453) 2021 йил 12 январь, сешанба

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## Шу куннинг гаплари

Республикамизда бунёдкорлик ишлари йил сайин ривожланиши баробарида унинг сифатига, айниқса, алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу – биноларнинг мустаҳкам ва зилзилага бардошлилигини таъминлашга хизмат қилади. Масалан, бундан кейин мактаблардаги қурилиш ишлари устидан **“Замонавий мактаб”** талаблари асосида сифат назорати олиб борилади.

Қурилиш ва бунёдкорлик ишлари барча соҳаларда жадал ривожланмоқда. Бошланган йилда бошқа объектлар қаторида республикамизда умумий сиғими 43 мингдан зиёд бўлган **13 та** марказий масжид очилади.

Бу йил юртимиз автомобилсозлиги яна биттага кўпаяди. Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида хорижий сармоя иштирокида **автомобиль заводи қурилади.** Бу эса автомобилсозлик бўйича дунёда 26-ўринни янада мустаҳкам эгаллашимизга асос бўлади.

Ўтган йил бирмунча оғир келгани боис, юртимизни кўриш истагида бўлган сайёҳларнинг сони бироз камайган бўлса-да, турли давлатлардан **1 млн 504 минг** киши ташриф буюрган. Бу – мамлакатимизда сайёҳлик салоҳиятига катта эътибор берилаётгани ҳамда саёҳатчиларга етарли шароитлар яратилаётганидан далолатдир.

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ, ҲУДУДИЙ ДАХЛСИЗЛИГИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 11 январь куни Жиззах вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Марказий ҳарбий округнинг артиллерия бригадасини бориб кўрди.

Мазкур ҳарбий қисмда катта ҳажмдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, барча замонавий қулайликлар яратилган. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу шароитларни кўздан кечирди.

– Асосий мақсадимиз – халқ билан армия бирдамлиги. Ҳарбий қисмлар эшиклари эл учун очиқ бўлиши керак. Миллий армиямизнинг нури, маънавияти ҳаммага етиб бориши зарур. Ёшларни бу ерга олиб келиб кўрсатиш, ўргатиш керак. Бу уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз тарихи ва қудрати ҳақида билимларини бойитишга хизмат қилади. Бундан ота-оналар ҳам хурсанд бўлади, – деди Президент.

Ўқув биноси энг илғор ҳарбий тайёргарлик талабларига мос жиҳозланган. Ўқув тренажёрлари жанговар вазиятга максимал яқинлаштирилган.

Давлатимиз раҳбари аскарларнинг ўқув машғулотларини кўздан кечирди. Ҳарбий билим ва кўникмаларни мактаб давриданоқ тўғри йўлга қўйиш, ҳарбий билим юртлари билан ҳарбий округлар ўртасидаги алоқани кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Мутасаддиларга бугун дунёда кузатилаётган хавф-хатарлардан келиб чиқиб, жанговар тайёргарликни янги поғонага кўтариш, хориж тажрибасини ўрганиш, энг илғор ахборот технологияларини ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ётоқхоналарда ҳарбий хизматчиларнинг яшаши, дам олиши, вақтини мазмунли ўтказиб, билимларини мустаҳкамлаши учун барча қулайликлар бор.

2-бет

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ САЙЛАНГАН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

11 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасининг сайланган Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Садир Жапаровни бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси ҳамда Қирғизистон Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича референдумнинг муваффақиятли ўтказилгани билан чин дилдан табриклади.

Ушбу ғоятда муҳим сиёсий тадбирларнинг якунлари мамлакат барқарорлиги ва изчил тараққиётини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам замин яратишига ишонч билдирилди.

Ўз навбатида, Садир Жапаров Ўзбекистон Президенти ва кўп миллатли халқига замонавий хатарларни енгиб ўтишда ва коронавирус пандемияси оқибатларига қарши курашишда қардош Қирғизистонга кўрсатилаётган кўмак учун миннатдорлик билдирди.

Телефон мулоқоти чоғида икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йил Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, уларни сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитиш даври бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон – Қирғизистон кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш борасида аввал эришилган келишувларни амалга ошириш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Булар, аввало, Давлат чегараларини делимитация қилиш борасидаги қўшма ишларнинг натижадорлигини ошириш, товар айирбошлашни кўпайтириш, саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалигида кооперацияни кучайтириш, ҳудудлараро алоқалар ва гуманитар алмашинувни кенгайтириш, самарали транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ва бошқа жиҳатлар.

Ҳукуматлараро комиссиялар ишини фаоллаштириш, шунингдек, ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари бўйича қатор тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

Халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар доирасида аниқ ва конструктив мулоқотни давом эттириш ва ўзаро қўллаб-қувватлашдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Суҳбат очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

# ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 январь куни Жиззах вилоятидан қайтиб келгач, инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Дастлаб 2021 йилда тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумот берилди.

Мамлакатимизда замонавий технологияларни жалб этган ҳолда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан 2021 йилда 120 триллион сўм миқдоридаги йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, қурилиш материаллари, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, нефть-кимё, машинасозлик ва бошқа тармоқларда қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлган 14 та йирик инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Масалан, Сирдарё шаҳрида фаолият юритаётган полиэтилен қоп ва енгил контейнерлар ишлаб чиқариш корхонасида 2 мингга яқин киши меҳнат қилмоқда. Бунинг давоми сифатида, Ўзсаноатқурилишбанк томонидан “спанбонд-мелтблаун” нотўқима матоларини ишлаб чиқаришга қаратилган 94 миллион долларлик лойиҳа режалаштирилган.

Умуман айтганда, янги лойиҳалар самарасида махсус техникалар, полиметалл маҳсулотлар, геосинтетик материаллар, минерал пахта асосида қурилиш плиталари, қувур, ойна ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш, мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда кичик саноат зоналарини ташкил этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, оқилона жойлаштириш, саноат инфратузилмасини яхшилаш, кластер ва технопарклар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёевга, шунингдек, пойтахтимизда инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши борасида маълумот берилди. Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан 2020 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига 3,7 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилгани қайд этилди. Қиймати 11 триллион сўмдан зиёд 306 та лойиҳа фойдаланишга топширилиб, қарийб 13 мингта янги иш ўрни яратилган.

Мисол учун, Бектемир туманидаги “ДСК Бинокор” масъулияти чекланган жамият 504 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобига темир-бетон маҳсулотлар, Сергели туманидаги “Bek Mega Textile” корхонаси 119 миллиард сўмлик инвестиция эвазига тўқимачилик товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этган.

Бу борадаги ишларни изчил давом эттириш мақсадида 2021-2023 йиллар учун қиймати 109 триллион сўмдан зиёд 1 минг 277 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилган. Шундан қарийб 4,9 миллиард доллари хорижий инвестиция ва кредитларга тўғри келиши кутилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар 86 мингга яқин иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Жорий йилда мазкур лойиҳалар доирасида барча манбалар ҳисобидан 4,1 миллиард доллар инвестиция ўзлаштирилиши белгиланган. 454 та лойиҳани ишга тушириб, қарийб 29 минг кишини иш билан таъминлаш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари тақдимот қилинган лойиҳаларни белгиланган муддатларда ва сифатли, замон талабларига мос равишда амалга ошириш бўйича қатор топшириқлар берди.

**ЎзА.**

# Болажонлар учун байрам туҳфалари

**Наманган вилояти Чортоқ тумани Короскон қишлоғида “Буюк авлод юлдузлари” номли янги мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.**



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Давлат-хусусий шерикчилиги асосидаги мазкур 75 ўринли муассасанинг умумий лойиҳа қиймати 1 миллиард 150 миллион сўмни ташкил этди. Бу ерда болажонларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш учун барча шароит муҳайё.

Янги боғчанинг очилишига бағишлаб ташкил этилган маросимда тадбиркор Шуҳрат Абдуқаҳҳоров томонидан ҳududдаги 5 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйлари ўтказиб берилди.

**Андижон шаҳрининг Қўшариқ даҳасида жойлашган “Изюминка” давлат-хусусий шерикчилиги асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.**

“Изюминка” МЧЖ томонидан амалга оширилган мазкур лойиҳага 1 млрд 900 млн ўз маблағи ва 4 млрд 400 млн сўм банк кредити ҳисобидан жами 6 млрд 300 млн сўм сарфланди.

Замонавий муассасада 200 нафар болажонга асосан инглиз, рус ва корейс тиллари ҳамда компьютер саводхонлиги ўргатилади.



Зуҳриддин УМУРЗОҚОВ (ЎзА) олган сурат.

Муносабат

# Улуғ йўл бошида

**Фахриддин ҚУРБОННАЗАРОВ,**
Сурхондарё вилояти
“Ягона буюртмачи хизмати”
инжиниринг компанияси бўлим бошлиғи.

**Президентимизнинг Республика Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасини зўр қизиқиш билан тинглаб, бир нарсага амин бўлдим. Бу Мурожаатнома, назаримда, нафақат депутатларга, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларига, балки шу муаззам юртни Ватан деб эъзозлайдиган, унинг бугуни ва келажаги учун меҳнат қилаётган ҳар бир юртдошимизга қилинганди.**

Президентимиз тилга олиб ўтган ва халқимиз эътиборига ҳисобот тарзида етказаётган янгиланишларни йил давомида бошдан кечирдик, туб ўзгаришларга гувоҳ бўлдик, таҳликали пандемиянинг залворли юкини ҳамжиҳатликда елкамизга олдик, умумий тарзда айтадиган бўлсак, синов ва машаққатларга тўла улуғ йўлни босиб ўтдик. Не бахтки, бугун барчамизнинг юзимиз ёруғ. Президентимиз алоҳида қайд этиб ўтганидек, **“Ўзбекистон дунёнинг саноқли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди”.**

Катта йўл олдидан буюк сафарга ҳозирлик кўрилгани каби Янги йил, Янги Ўзбекистоннинг истиқболи, янгича тафаккур ҳосиласи бўлган энг замонавий эҳтиёжлар жамиятнинг ҳар бир фаол аъзоси олдига янги вазифалар қўймоқда. Булар кириб келаётган йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши билан боғлиқдир.

Эътибор берган бўлсангиз, ҳар қандай янгиланиш, ислоҳот албатта бунёдкорлик ишлари билан бевосита боғлиқдир. Гарчи, Президентимиз асосий эътиборни илм-маърифат, таълим-тарбия, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби энг муҳим муаммоларга қаратган бўлса-да, барибир қурилиш ва биносозликни янада ривожлантириш зарурати Мурожаатномадан келиб чиқадиган хулоса сифатида бўй кўрсатиб турди. Хусусан, **“...янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни етиштириб берадиган шароитларни яратишимиз керак”,** дея улуғ мақсад муқаддимасини тилга олганида мамлакатдаги улкан бунёдкорлик ишларини назарда тутгани шубҳасиз. Бунинг учун эса янги йилда 30 та замонавий янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш кераклигини таъкидлади. Айни хайрли мақсадлар учун давлат бюджетидан 2 триллион сўм ажратилгани ҳам юқоридаги фикримизга далолатдир.

Бу Мурожаатнома биз – сурхондарёлик қурилиш соҳаси ходимлари зиммасига ҳам масъулият юклайди. Жумладан, воҳа бўйича 2021 йилда 3 та янги мактаб қуриш, 29 та мактабни реконструкция қилиш, 2 та мактабни мукаммал таъмирдан чиқариш режалаштирилган. Шунингдек, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашдек савобли ишга 6 та соғлиқни сақлаш объектларини сифатли қуриб топшириш, 4 та тугалланмаган шифо масканини замон талаблари асосида битказиш каби режалар билан ҳисса қўшишни ният қилганмиз.

Юртимизда эса бошлаган демократия ва эркинлик шабадалари мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига давлатни бошқаришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқларини кафолатлайди. Яна унутмаслик керакки, бу ҳуқуқ ортидан келадиган шарафли бурч ҳам бор: Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Янги Ўзбекистонни барпо қилишда баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшмоғи керак. Зеро, қурилиш илмида бир ҳикмат бор, яъни ҳар қандай азим бино кичкина ғиштлардан барпо бўлади. Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси бу қутлуғ фаолиятда барчамизга дастуриламал бўлади.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№2 (453) 2021 йил 12 январь

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ, ҲУДУДИЙ ДАХЛСИЗЛИГИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОНИ

1-бет

Ҳарбий қисм ошхонасига хизмат кўрсатиш бўйича аутсорсинг тизими жорий қилинган. Бу аскарларнинг ҳамма вақти ва куч-ғайратини профессионал тайёргарликка қаратиш имконини бермоқда.

Шавкат Мирзиёев ҳарбий қисмдаги тиббиёт пунктини кириб кўрди. Бу ерда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига малакали хизмат кўрсатилмоқда.

Президентимиз ушбу пунктдаги ускуна ва кадрлар салоҳиятидан фойдаланиб, ҳарбий қисм яқинидаги Олмачи маҳалласи аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказиш, халқ саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, Мудофаа вазирлигининг захираси сифатида ҳар бири 500 ўринли иккита мобил госпиталь ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари "Фориш" тоғ полигонида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар тайёргарлиги билан танишди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2018 йил март ойида мазкур ҳудудда бўлиб, бу ерни намунавий полигонга айлантириш, янги концепция ишлаб чиқиб, мамлакатимиздаги барча ҳарбий полигонларни модернизация қилиш бўйича топшириқлар берган эди. Шулар асосида ушбу махсус ўқув-синов майдони замон талабларига мослаштирилди, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини оширишга қаратилган энг илғор шароитлар яратилди.

Бунинг натижасини база инфратузилмаси янгиланганидан сўнг, бу ерда 2019 ва 2020 йилларда ўтказилган Халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги терма жамоаси биринчиликни қўлдан бой бермай келаётганида ҳам кўриш мумкин.

Полигон ҳудудида қурилган объектлар ҳақида дастлаб жой макети орқали маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари ҳарбийлар ётоқхонаси, сузиш ҳавзаси, спорт залидаги шароитлар билан танишди. Марказий ва Шарқий ҳарбий округларнинг регби бўйича терма жамоалари мусобақасини кузатди.

Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ҳарбий хизматчилар билан бир дастурхон атрофида самимий суҳбатлашди. Истеъдодли аскарлар бахшичилик санъатидан намуналар ижро этди.

Давлатимиз раҳбари «Фориш» тоғ полигонида қўшинлар ихтиёридаги замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни кўздан кечирди.

Ундан сўнг Марказий ҳарбий округ қўшинларининг шартли душманни йўқ қилиш бўйича жанговар машғулотлари, ҳарбий муҳандислик амалиётлари намойиш қилинди.

Ҳарбий учувчи, полковник Бахтиёр Отажонов ўз бошқарувидаги МИГ-29 қирувчи самолётида юртимиз ҳаво ҳужумидан мудофаа салоҳиятини намойиш қилди.

Бу каби тактик машғулотлар ҳарбийларнинг жанговар тайёргарлигини оширишда, уларнинг замонавий ҳарбий техникалардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Шу ерда шахсий таркиб билан мулоқот бўлди. Президентимиз кейинги йилларда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар натижасида мустақиллигимиз, ҳудудий дахлсизлигимизнинг ишончли қалқони бўлган миллий армиямиз йилдан-йилга такомиллашиб, аскар ва офицерларнинг билими, куч-қудрати ва салоҳияти ошиб бораётганини таъкидлади.

– Бу полигон халқаро стандартларга мос бўлиши керак. Аскар ва зобитларни тайёрлаш шунга мувофиқ бўлиши зарур. Бунинг учун сифат, жанговар маҳоратга алоҳида эътибор қаратиш лозим, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ҳарбийларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан табриклади.

– Кейинги йилларда байрам арафасида учрашиш анъанага айланди, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бугунги Қуролли Кучларимиз беш йил олдинги армия эмас. Мудофаа доктринамиз бўйича қилинган ишлар натижасида миллий армиямизнинг салоҳияти ҳар томонлама ошди. Эришган муваффақиятларимиз билан бирга олдимизда кўп режалар, вазифалар турибди. Қўшинларнинг жанговар ҳолатини янада мустаҳкамлашимиз керак. Бунинг учун билим, тажриба, тайёргарлик зарур.

Президент қўшинларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Тошкентга қайтиб келди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Уйлар "коробка" ҳолатда топширилмайди

## Бу ҳақда АОКАда бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълум қилинди.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Маълумки, 2020 йил 9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган бщлиб, у билан "Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланган.**



Қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини шакллантиришда уларнинг салоҳияти 7 та гуруҳдан иборат мезонлар билан баҳоланиб, ўз ичига 61 та кўрсаткични қамраб олади. Хусусан, ташкилотнинг кадрлар сиёсати, молиявий кўрсаткичлари, иш тажрибаси, техник базаси, рақобатбардошлиги ва технологик ривожланиши, аввал бажарган ишлари чуқур ўрганилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-6119-сонли Фармонида соҳани рақамлаштириш ва аҳолини ахборот билан таъминлашда инновацион услубларни кенг жорий этиш вазифалари белгилаб берилган. Хусусан, бирор қурилиш объекти ҳақида, шунингдек, 2021 йил якунида "Огоҳ фуқаро" тизими ишга туширилгач, объектнинг ҳудудий назорат инспекцияси рўйхатидан ўтган ва ёки ўтмагани ҳақида онлайн маълумот олиш имконига эга бўлиш мумкин. Бордию, объект ҳудудий назорат инспекциясининг рўйхатидан ўтмаган бўлса, фуқаролар Қурилиш вазирлиги расмий порталига мазкур объект ҳақида маълумот юбориши мумкин ва мутасаддилар иштирокида ушбу мурожаат қай даражада асосли экани ўрганилиб, муаммо ҳал қилинади.

– Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун ҳар қандай аралашувларга чек қўйилган, – деди Қурилиш вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари Жамолиддин Қаландаров. – Ўтган 2020 йил таҳлилига эътибор қаратсак, ҳудудий қурилиш назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтмай ва бу ҳақда тегишли идораларни огоҳлантирмай 200 га яқин объектда қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилган. Инспекторларнинг ушбу қурилиш объектига кириб, тадбиркорнинг фаолиятига аралашиш ҳуқуқи бўлмаган. Тўғри, тадбиркорлар қонун ҳимоясида, аммо айримлар имтиёзларни суистеъмол қилган ҳолда ноқонуний қурилишларга йўл қўймоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, рақамлаштирилган тизим ҳар бир қурилиш объекти ҳақидаги маълумотларни жамоатчиликка шаффоф етказиб берилишига имконият яратади.

Юртимизнинг кўплаб ҳудудлари, шу жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам тадбиркорлар томонидан кўп қаватли замонавий турар жой мажмуалари барпо этилмоқда. Уларнинг аксарияти каркас услубида қад кўтарган. Хоналар орасидаги деворларни ҳам у қадар сифатли деб бўлмайди. Чунки улар кейинроқ хоналарга ажратилиб, ғишт ва газоблоклар билан тўлдирилмоқда. Хўш, ушбу уйларнинг хавфсизлиги ва мустаҳкамлиги қай даражада? Мутасаддилар ушбу саволга ҳам жавоб беришди.

– Бугунги кунда Ўзбекистонда қурилиш ва шаҳарсозлик меъёрлари мавжуд. Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилишда назорат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан қурилиш объектларда ушбу меъёрларга риоя этилиши, хусусан, биринчи навбатда зилзилабардошлиги ва ёнғин хавфсизлиги жиддий назоратга олинади. Лойиҳачилар томонидан яратилган қурилиш объектининг лойиҳасида айнан каркас ҳамда уни ғишт, панель ва газоблоклар билан тўлдириш жараёнлари акс этади ва меъёрлар асосида 9 баллик сейсмик даража асосида барпо этилиши назарда тутилади. Лойиҳалаштириш жараёнлари ўтгач, экспертизага юборилиб, у мутахассислар томонидан тасдиқланади. Шу сабабли ҳам рақамлаштирилган тизим ишга туширилмоқда. Яқин кунларга қадар хусусий лойиҳа ташкилотлари экспертизадан ўтмаган ҳолда иш юритганлари аниқланган бўлса, ҳозирда ягона тизим яратилиб, лойиҳачиларга сертификатлар бериш ишлари янада кучли назорат остига олинади.

Ҳозирда Ўзбекистонда 2000 дан ортиқ лойиҳа ташкилотлари бор, бироқ уларнинг қай бирида қанча малакали мутахассис фаолият юритиши номаълум. Ҳар бир лойиҳачини алоҳида рўйхатга олиш баробарида, синовлардан ўтказган ҳолда сертификат бериш кўзда тутилган. Уларнинг рақамли имзолари ҳам бўлади ва келгусида қурилиш ташкилотлари билан буюртмалар асосида ҳамкорлик қилишларига имкониятлар яратилади. Малакали мутахассисларга эга бўлган лойиҳа ташкилотларига эса фаолият юритишлари учун алоҳида лицензиялар тақдим этилади. Лойиҳачи ишдан бўшагудек бўлса, ташкилот лицензиядан автоматик равишда маҳрум бўлади. Мана шу жараёнларда шаффофликни таъминлаш мақсадида бугунги кунда Қурилиш вазирлиги мутахассислари томонидан рақамлаштириш тизими асосида ягона база яратилмоқда. 2021 йил якунига қадар ишга тушадиган тизим экспертиза ташкилотларининг фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Чунки ушбу жараёнларнинг барчаси онлайн тарзда, шаффоф амалга оширилади.

"Ҳозирда шаҳарсозлик жуда ҳам ривожланиб, айниқса, Тошкент шаҳрида "новостройкалар" қад кўтармоқда. Албатта, бу каби янги ва замонавий уйларда яшашни ҳар ким ҳам орзу қилади. Аммо шундай ҳолатлар учрайдики, ҳаттоки, ер ажратиш ҳақида ҳокимнинг қарори чиқмасдан туриб, қурилиш объекти муаллифи, яъни тадбиркор ана шу кўп қаватли уйлардаги майдоннинг ҳар бир квадратини маълум нархларда сотувга қўяди. Бироқ бу қанчалар тўғри, бу жараёнда фуқаролар алданиб қолмасликлари учун қандай чораларни кўришлари зарур?"

– Давлатимиз раҳбарининг улуш киритиш ҳақидаги қарори мавжуд бўлиб, объект қурилаётган вақтда сотувга қўйиш мумкин, аммо улар Қурилиш вазирлигидан рўйхатдан ўтган бўлишлари керак. Фуқароларимиз уй эгасидан улуш киритиш ҳақидаги ҳужжатни ҳам кўрсатишларини талаб этиши керак. Ҳозирда Қурилиш вазирлиги томонидан шундай тизим жорий этилганки, тадбиркорларнинг харидорлардан олган маблағларини айнан ана шу объект қурилишига сарфлаши қатъий назоратга олинган. Шунингдек, бундан кейин уйлар "коробка" ҳолатида топширилмайди, – деди юқоридаги саволга жавоб берган қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов. – Аҳолига янада қулай шарт-шароит яратиш мақсадида норматившларга ўзгартиришлар киритилди. Бу тартиб-тамойил 3 ойдан кейин, яъни жорий йилнинг апрелидан кучга киради. Энди, қуриб топшираётган барча уйларнинг деворлари 100 фоиз кўтарилиб, коммуникация тармоқлари тортилган бўлади.

Анжуман давомида ОАВ ходимларининг соҳага доир барча саволларига Қурилиш вазирлиги мутасаддилари атрофлича жавоб қайтариб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган режалар ҳақида бохабар қилишди.

# Иқтидорли ёшлар келажак пойдевори

**Миркомил МИРЗАБЕКОВ,**
Жиззах политехника институти Архитектура ва қурилиш факультети декани ўринбосари.

**2020 йил 25 декабрь куни Президентимиз Ўзбекистон ёшлари форумига ташриф буюриб, ёшлар билан суҳбатлашди, уларнинг ғоя ва таклифларини тинглаб, зарур кўрсатмаларни бериб ўтди.**

"Биз юртимизда қандай ислоҳотларга қўл урмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч-ғайратингиз, азму шижоатингизга суянамиз. Барчангиз яхши биласиз, бугун ўз олдимизга улкан марралар қўйганмиз. Она Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришдик. Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли айни ушбу соҳаларда туб ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз. Ишонаманки, мамлакатимиз тараққиётининг янги пойдеворини яратишда сизлар сингари фидойи ва ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшади", деди юртбошимиз.

Ушбу тарихий учрашувдаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, бугунги кунда юртимизда қурилиш соҳасидаги ёшларнинг ўрни, уларнинг инновацион ғоялар ва ишланмалари амалиётга кенг татбиқ қилинмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 4 мартдаги қарори билан ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда алоҳида ютуқлари учун институтнинг 4-босқич талабаси Севара Илҳомова Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Ҳозирги кунда у "Фуқаро ва саноат бинолари архитектураси" лойиҳаси билан турли танловларда фаол иштирок этиб, натижалари вилоятимиздаги қурилиш объектларига жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 августдаги қарори билан Қурилиш материаллари ва конструкциялари кафедраси ассистенти Бекзод Турсунов 2020 йилда фан ва ишлаб чиқариш соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланди. Ҳозирда Фориш туманидаги "Mega Invest Industrial" қўшма корхонаси билан базальт толаларидан фойдаланиб, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг физик-механик хоссаларини ошириш бўйича шартнома имзоланиб, базальт фибраларидан фойдаланган ҳолда портландцемент асосида олинадиган қуруқ қурилиш қоришмалари, гипс асосида курилиш материаллари, енгил ва оғир бетонларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Фаёз Тожибоев эса "Жиззах политехника институти ҳудудида талабалар паркининг ландшафт лойиҳаси" мавзусидаги "Start-up" лойиҳаси билан "Янги аср истеъдодлари" республика танловида ғолиб бўлиб, бу лойиҳа амалиётга жорий этилди.

Шунингдек, Дилдора Имомованинг "Муҳандислик тизимларида энергия тежамкорликка эришиш" мавзусидаги лойиҳаси Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармаси билан хўжалик шартномаси тузилиб, кўп қаватли турар жой биноларида амалиётга жорий этилди.

**Маълумотларга қараганда Фарғона вилояти ҳудудида 19 952,5 километр йўллар мавжуд бўлиб, шундан 4 031 километр умумий фойдаланишдаги автомобиль ва 15 921,5 километр ички хўжалик ёки 202 километр халқаро, 873 километр давлат ва 2 956 километри маҳаллий аҳамиятдаги йўллардан иборат. Шунингдек, 1951,9 километр шаҳар кўчалари ва 13 969,6 километр ички йўллардир. Ана шу йўллар орқали фуқаролар ва транспортларнинг қийинчиликсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида вилоят йўлсозлар жамоаси вазифалари билан боғлиқ ишларни намунали тарзда олиб бормоқда.**

# Қарори қатъий йўлсозлар

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

– Вилоятимизда 1205 та ёки 19 139,4 пм узунликдаги кўприклар мавжуд бўлиб, уларнинг 969 тасидан унумли фойдаланилмоқда, – деди вилоят Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси бошлиғи Обидхон Жўраев. – 236 тасини таъмирлаш чоралари кўрилмоқда. Якунланган 2020 йилда 610,0 километр йўлларда 351,8 млрд сўмлик, шу жумладан, инвестиция дастури доирасида 5 та объектда 91,9 млрд сўмлик ишлар бажарилди. 17 километр автомобиль йўли ҳамда 4Р-112 "Фарғона ҳалқа йўли"нинг 259-273 километр қисмини реконструкция қилиш бўйича 5 километрда ишлар якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш бўйича 3 та объектда ва 4Р-145 "Фарғона шаҳар айланма йўли"нинг 0-9,4 километр қисмини тўла таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари бўйича йил давомида олиб борилган ишлар натижасида 222 километр йўлларнинг ҳолати талаб даражасига келтирилди.

Табиий офат оқибатларини бартараф этиш маблағлари ҳисобидан Сўх туманидаги умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларида жойлашган 1 та кўприкда ишлар бажарилди ва таъмирлаш ишлари жорий йилда ҳам давом эттирилади. Бундан ташқари, ички хўжалик йўлларини жорий таъ-



мирлаш ҳамда Қўқон эркин иқтисодий зонаси ҳудудида ички йўлларни қуриш бўйича 1-босқич ишларида 5,7 млрд сўмлик ишлар амалга оширилди.

Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан вилоят ҳудудидаги 147,2 километр автомобиль йўлларида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Хусусан, 66,2 километр ички хўжалик йўллари таъмирланди, 81 километр умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларининг ҳолати яхшиланди.

Янги йилнинг дастлабки кунидан бошқарма жамоаси томонидан йўлларни қуриш ва таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Жумладан, бу йил вилоят ҳудудидаги 617,0 километр йўлларда 369,5 млрд сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган. Шу мақсадда инвестиция дастури доирасида 4 та объектда қайта қуриш ишлари ҳамда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини тўла таъмирлаш бўйича 3 та объектда ишлар бажарилади.

# Бунёдкорликка бурканган Жиззах

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бугун юртимиз, шу жумладан, Жиззахнинг барча шаҳар ва қишлоқларида амалга оширилаётган янгиланиш, бунёдкорлик ишлари инсон дилини қувонтиради.**

Жиззах шаҳрининг «Олмазор» МФЙ ҳудудидаги 11,6 гектар ерда қурилган етти қаватли турар жойларни бунга мисол қилиш мумкин. Айнан ушбу ҳудудда бугунги кунда ҳам бунёдкорлик ишлари давом эттирилиб, вилоятнинг қурилиш соҳасидаги тажрибаси учун янгилик ҳисобланган 16 қаватли уйлар кўкка бўй чўзмоқда.

– Ҳар бири 80 квартирали ушбу 4 та турар жойлар Туркия технологияси асосида, энергия тежамкор ашёлардан қурилиб, 2021 йил охирида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. 2020 йил дастур асосида қуриб битказилган 776 та арзон уй-жойларнинг 532 таси шароитини яхшилашга муҳтож оилалар учун, 120 таси меҳнат мигрантлари, 28 таси эса намунали ёш оилалар учун ажратилди. Бу борада 96 таси оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёллар ва 240 таси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун бунёд этилди, – деди «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК МЧЖ вилоят бўлими етакчи мутахассиси Низомиддин Нарзуллаев.

Бундан бир неча йил аввал Жиззахда кўплаб касалликлар бўйича беморлар қўшни вилоятларга боришига тўғри келарди. Эндиликда замонавий, малакали мутахассислар билан таъминланган шифохоналарнинг бунёд этилаётгани бу каби муаммоларнинг олдини олмоқда. Масалан, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали янги бинога эга бўлди ва замонавий тиббиёт ускуналари билан ҳам жиҳозланди.

Бугун Жиззахдаги кўпчилик ота-оналарнинг қизиқиши IT park ҳақида. Бу ерда IT соҳасидаги – компьютер саводхонлиги, дастурлаш, Web-дизайн, график дизайн, мобил робототехника, киберспорт турлари, IT-инглиз тили каби фан ва касбларни ўрганиш имкониятини беради. Йил давомида 500 га яқин ўқувчи таълим олиши мумкин.

Якунланган йилда Жиззах вилоятининг кўплаб туманларида Давлат хизматлари агентлигининг филиаллари учун бинолар фойдаланишга топширилди. Улар ҳудуд кўркига кўрк қўшиши билан бирга, инсонлар манфаати учун хизмат қилмоқда. Зеро, фуқароларга қулайликлар яратиш Давлат хизматлари агентлигининг энг устувор вазифаларидан бири саналади. Эътиборлиси, Янги йил арафасида Бахмал ва Ғаллаорол туманларида ҳам ана шундай марказлар фойдаланишга топширилди.

Албатта, қаерда қурилиш, бунёдкорлик ишлари мавжуд бўлса, ўша жойда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам авж олади. Одамларнинг қалбида янгича яшаш, гўзал турмуш кечириш иштиёқи уйғоняпти. Ҳудудлардаги бунёдкорлик ишларида аҳолига қулайлик туғдириш мақсадида маиший хизмат кўрсатиш уйлари, савдо шохобчалари, ижтимоий соҳа обьектлари барпо этилмоқда. Гулзорлар, хиёбонлар, дам олиш масканлари ҳам ишга туширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Жиззах бунёдкорликлар оғушида яшнамоқда.

# БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Объектнинг бошланғич нархи | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган бинони капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш | 29 907 010 251 сўм ҚҚС билан | 360 кун |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академиясининг ётоқхона биносини капитал таъмирлаш | 7 563 133 052 сўм ҚҚС билан | 180 кун |
| 3. | Тошкент шаҳар Яшнобод тумани, Маҳтумқули кўчасида Адлия вазирлиги ходимлари учун қурилаётган кўп қаватли турар жой бинолари атрофини ободонлаштириш, ичимлик ва оқава сув тармоқларини ва ташқи ёритиш тизимларини қуриш | 2 135 716 008 сўм ҚҚС билан | 60 кун. |

**Буюртмачи:** Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси.

**Молиялаштириш манбаси:**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган бинони капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш – бюджет маблағлари ҳисобидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академиясининг ётоқхона биносини капитал таъмирлаш – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани, Маҳтумқули кўчасида Адлия вазирлиги ходимлари учун қурилаётган кўп қаватли турар жой бинолари атрофини ободонлаштириш, ичимлик ва оқава сув тармоқларини ва ташқи ёритиш тизимларини қуриш – маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан.

**Даъвогар сифатида тендерда иштирок этмоқчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:** айланма маблағлари танлов савдоси предметининг 20 фоизидан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, тендер объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича иш тажрибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларига эга бўлиш.

